

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

**“ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР”
КАФЕДРАСИ**

Исанов Алишер Бахриддинович

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА
ТОРТИШ АСОСЛАРИ**

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Илмий рахбар: ўқитувчи С.Раджабова

Тошкент – 2014

КИРИШ

1 БОБ. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари

1.1. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

1.2. Маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликнинг белгилари ва юридик таркиби.

1.3. Маъмурий жавобгарликда жазо чоралари ва маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатига эга субъектлар

2.БОБ. Маъмурий жавобгарликка тортишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

2.1. Маъмурий жавобгарликка тортишнинг ва жазони қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

2.2. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари

2.3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

ХУЛОСА

ФОЙЛАНАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида суд-ҳуқук ислохотларини узвий давомийлиги таъминлаш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётганлигини эътироф этган ҳолда маъмурий жавобгарлик билан боғлиқ мавзуларни тадқиқ этиш заруриятидан келиб чиқади. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш борасидаги ғоя ҳам бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларнинг назарда кўзда тутиш лозимлиги хусусида тўхталиб ўтди¹.

Бугунги кунда парламент томонидан “Маъмурий жавобгарлик кодекси”нинг янги тахрирда тайёрлаш, “Маъмурий тартиб-таомил (процедура)лар тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилишга доир ҳаракатларни замирида ҳам маъмурий мажбурлов тартиб-таомилига оид ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, маъмурий жавобгарликни либераллаштириш вазифалари ётмоқда. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб бугунги кунда маъмурий жавобгарлик мавзуси билан боғлиқ масалаларни илмий-назарий, ҳуқуқий ва амалий масалаларига бағишланган тадқиқотларнинг олиб борилиши долзарбдир ва муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишини тайёрлашдан кўзланган мақсад ва вазифалар шундан иборатки, мамлакатимизда истиқлолдан кейинги ўтган йилларда суд-ҳуқук тизимини ислоҳ этиш жараёнида маъмурий жавобгарликка тортиш тизимини либераллаштириш масалалари ҳали кўп ўрганилмаганлигини, шунингдек маъмурий жавобгарлик мавзуси кенг қамровли бўлганлиги унинг предмети доирасида ҳам маъмурий жавобгарлик тушунчаси, ҳам маъмурий жавобгарликнинг объекти, субъекти ва мақсади ўрганилишини эътиборга олган ҳолда қуйидаги мақсадларни илгари сурамиз:

- Маъмурий жавобгарлик тушунчаси, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;
- Маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби: субъекти, объекти, объектив томони, субъектив томонига оид илмий назарий ва ҳуқуқий жиҳатларни тадқиқ этиш;
- Маъмурий жавобгарликда жазо чораларини қўлловчи субъектлар доираси ва уларнинг маъмурий жавобгарликка оид чораларни қўллашга оид ваколатлари масалалари билан боғлиқ масалаларни назарий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;
- Маъмурий жавобгарликда жазо: турлари, қўллаш асослари ва тартиби билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Ушбу мавзунини тадқиқ этиш жараёнида маъмурий жавобгарлик мавзуси доимий асосда маъмурий ҳуқуқ йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бораётган ҳуқуқшуносларнинг диққат эътиборида бўлиб келаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўзбек ҳуқуқшунос олимлари Х.Р.Алимов, А.А.Махмудов, Н.Т. Исмоилов², И.А.Хамедов¹, Э.Хожиев, Т.Хожиев², Ф.Самиғжонов³, К. Назаровларнинг⁴ ишларида ўрин эгаллаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь

² Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995.— 203 б; Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с ; Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий

Хусусан хориж олимлари Ю.М. Козлов⁵, Д.Н.Бахрах, Б.В.Россинский, Ю.Н. Старилов⁶, А.Р.Алехин, А.А.Кармолитский⁷, Г.В. Атаманчук⁸, Б.Н.Габричидзе, А.Г.Чернявский, А.Н. Ким-Кимен⁹, Ю.А. Тихомиров¹⁰ каби олимларнинг ишларида маъмурий жавобгарлик масалалари ўрин эгаллаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб битирув малакавий иши учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги йилларда маъмурий жавобгарлик тизимининг ислоҳ этилиши, маъмурий жавобгарликка тортувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомига, уларнинг жавобгарликка тортиш асосларига оид қонунчилик асосларининг шаклланиши ва ривожланишига масалаларини ўрганиш орқали илмий-назарий хулосалар чиқариш;
 - Маъмурий жавобгарлик тушунчаси борасидаги турли олимларнинг назарий қарашларини умумлаштирган ҳолда маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва моҳиятини очиқ бериш;
 - Маъмурий жавобгарликни қўллаш ваколатига эга бўлган субъектлар доираси ҳамда уларнинг маъмурий жавобгарликни қўллаш борасидаги ваколатларини амалга оширишда амалиётда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш орқали амалий таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш;
- 2.4. Маъмурий жавобгарликка тортиш тартиб-таомилларини чуқур тадқиқ этиш орқали маъмурий жавобгарликни белгилаш асосларини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва мулоҳазалар тайёрлаш;
- 2.5. Маъмурий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазони қўллаш тартиби, маъмурий жавобгарликдан озод этиш, маъмурий жавобгарликни чегаралашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш ушбу йўналишларда амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик соҳасида муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тадқиқот объектини ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, маъмурий жавобгарлик борасидаги муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар ҳисобланади.

ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.— 367 б. ; Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма.—Т.:ТДЮИ, 2001.-98 б.

¹ Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.

² Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ; Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б; Хожиев Э. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2004. - 127 б.; Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма.—Т.:ТДЮИ, 2001.-98 б.; Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТДЮИ, 2011, Э.Т.Хожиев; Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқда жавобгарлик // Ж. Қонун ҳимоясида.1999. №9.— Б.15-19; Хожиев Э. Маъмурий жавобгарлик // Илмий-оммабоп рисола.- Т.:ТДЮИ,2006.—150 б.

³ Хожиев Э. Самиғжонов Ф. Маъмурий қонунчилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. - 219 б.; Ф.Р.Самиғжонов Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Ал-Фаба сервис”, 2008.; Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Фан ва технология маркази”, 2009. Ф.Р.Самиғжонов.

⁴ Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. —Т.: СамДУ, 2004. - 214 б.

⁵ Ю.М.Козлов Административное право учебник для вузов Москва, 2003.

⁶ Д.Н.Вахрах, В.В.Россинский, Ю.Н. Старилов Административное право: Учебник для Вузов. – М.: Норма, 2004. 19-б.

⁷ Алехин А.Р., Кармолитский А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. Учебник. – М.: ЗЕРСАЛО, 1998. 4-б.

⁸ Атаманчук Г.Б. Теория государственного управления: Курс лекций. М., 1997. 29-30-б.лар

⁹ Габричидзе В.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимен А.Н. Административное право: Учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 7-б.

¹⁰ Ю.А. Тихомиров Административное право и процесс. Полный курс. Второе издание, дополненное и переработанное / Ю.А. Тихомиров – М.: Изд. Тихомирова М.Ю., 2005. – 697 с.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимлилик, муаммовий – мақсадли, қиёсий – ҳуқуқий, формал – юридик, мантиқий ёндашув ва илмий билимларнинг бошқа усулларидадан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг назарий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларидаги мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида маъмурий жавобгарликни либераллаштириш тўғрисидаги фикрлари ва ғоялари ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Иш Кириш, икки боб, саккиз параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1 БОБ. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ, МОҲИАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

1.1. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Маъмурий жавобгарлик масаласига тўхташдан олдин маъмурий жавобгарлик тушунчасини, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш лозим. Аксарият ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида маъмурий жавобгарлик тушунчаси берилган бўлиб, хусусан ҳуқуқшунос олим Р.Алимовнинг “Маъмурий ҳуқуқ” дарслигида “Маъмурий жавобгарлик – айбдорга нисбатан маъмурий ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган доирада жазо қўллаш” деб таърифланган¹. Ҳуқуқшунос олимлар Н.В.Бровко, М.Б.Смоленский, Ю.А.Соколовларнинг “Административное право” дарслигида “Маъмурий жавобгарлик деганда ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан қўлланиши мумкин бўлган юридик жавобгарликнинг (жиноий, интизомий ва моддий жавобгарлик турлари билан бир қаторда) тури тушунилади” деб таърифланади². Ҳуқуқшунос олим Л.Б. Хван фикрича маъмурий жавобгарлик-айбдорга нисбатан маъмурий ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган доирада жазо қўллашдир. Ёки бошқача қилиб айтганда фуқаро ёки мансабдор шахснинг ҳуқуқни бузганлик учун давлат олдидаги жиноий бўлмаган жавобгарлигидир³. Бошқа бир қатор адабиётларда маъмурий жавобгарлик тушунчасига деярли бир хилдаги таърифларни учратиш мумкин. Хусусан кўплаб олимларнинг ишларида “*маъмурий жавобгарлик* – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир” деган таърифларни учратиш мумкин⁴. Маъмурий жавобгарлик тушунчасига конунчилик доирасида келтирилган таъриф Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексида учрамайди. Бироқ Жиноят кодексининг 16-моддасида жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари мустаҳкамланганлигини, маъмурий жавобгарлик кодексида эса маъмурий жавобгарлик тушунчаси аниқ кўрсатилмаганлигини инобатга олган ҳолда биз Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик кодексига “Маъмурий жавобгарлик ва унинг асослари” деб номланган алоҳида модда киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

Маъмурий ҳуқуқ бўйича жавобгарликнинг асосини - маъмурий мажбурлаш ташкил этади. Маъмурий мажбурлаш - давлат бошқаруви жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликни олдини олиш, чеклаш ва айбдор шахсни жавобгарликка тортиш мақсадида шахснинг онгига, юриш-туришига моддий, маънавий ва жисмоний таъсир этиш ҳисобланади. маъмурий мажбурлаш маъмурий жавобгарлик тушунчасига қараганда кенгрок бўлиб, ўз ичига нафақат ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга маъмурий жавобгарликни қўллашни, балки маъмурий ҳуқуқбузарликни олдини олиш чораларини, маъмурий ҳуқуқбузарликни чеклаш чораларини ва жамоат таъсири чораларини олиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик эса, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг бир туридир.

Бошқарув жараёнида маъмурий мажбурлаш чоралари қуйидагича намоён бўлиши мумкин:

¹ Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.— 95 б.

² Бровко Н.В., Смоленский М.Б., Соколова Ю.А. 88 Административное право: Учебник для студентов вузов. —Москва: И К Ц «МарТ», Ростов н/Д: Издательский центр «МарТ», 2003. — 368 с. (Серия «Юридическое образование»)

³ Хван Л.Б. Адвокат и производство по делам об административных правонарушениях в Республике Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 160 с.

⁴Қаранг: Д.Н.Вахрах, В.В.Россинский, Ю.Н. Стариков Административное право: Учебник для Вузов. – М.: Норма, 2004. 19-б.; Габричидзе В.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимен А.Н. Административное право: Учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 7-б.

давлат бошқарув органларининг фаолияти сифатида, яъни мажбурлаш чораларини фақат қонун талабларини ёки юқори турувчи давлат бошқарув органларининг қонуний талабларини ихтиёрий равишда бажармаган шахсларга нисбатан қўллаш;

давлат бошқарувининг усули сифатида, яъни ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳулқиға (юриш-туришиға) таъсир этиш.

Давлат ҳокимиятидан қаерда фойдаланилса, мажбурлаш чораларининг элементлари барча ҳолатларда мавжуд бўлади. Ҳокимиятни амалға ошириш учун унинг кўрсатмаларига бўйсунити талаб этади. Бўйсунити, одатда, ихтиёрий бўлиб, тўғридан-тўғри мажбурлашға таянмайди. Лекин бир қатор ҳолатларда бўйсунув мажбурлаш усулларисиз амалға оширилса ҳам, уларни ихтиёрий деб айтиш мумкин эмас, бўйсунув бўйсунувчининг ҳошиш-иродасига оид равишда амалға оширилади. Шу билан бирға бўйсунувнинг ихтиёрийлиги ҳар қанақа мажбурлашнинг йўқлигини билдирмайди. Ҳокимият мажбурлашининг элементлари қонуннинг ва бошқарув актларининг барча кўрсатмаларида учрайди, чунки уларнинг ҳаммаси мажбурловчи характерға эға ва давлатнинг кучига таянади¹.

Ҳуқуқшунос олими Алехин А.П. эса, маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг барча хусусиятларига эға эканлиги билан бир қаторда, қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтади:

биринчидан, маъмурий жавобгарлик қонунлар билан ҳам, қонуности ҳужжатлари билан ҳам ўрнатилади, яъни у ўзининг меъёрий-ҳуқуқий асосига эғадир. Жиноий жавобгарлик – фақат қонунлар билан, интизомий жавобгарлик – қонун ва қонуности ҳужжатлари билан, моддий жавобгарлик – меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланади;

иккинчидан, маъмурий жавобгарликнинг асоси бўлиб – маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (қонун бузилиши ва ножўя хатти-ҳаракат кўринишида). Жиноий жавобгарликда – жиноят, интизомий жавобгарликда – интизомий ножўя хатти-ҳаракат, моддий жавобгарликда – моддий зарар етказиш ҳисобланади;

учинчидан, маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахслар¹ намоён бўлади. Жиноий жавобгарликда – фуқаролар ва мансабдор шахслар, интизомий жавобгарликда – ходим (жамоа субъектларининг интизомий жавобгарлиги юридик адабиётларда мунозарали бўлиб келмоқда), моддий жавобгарликда -

ходим (меҳнат қонунчилиги бўйича), юридик ва жисмоний шахслар (фуқаролик қонунчилиги бўйича) субъект бўлиши мумкин;

тўртинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Жиноят учун – жиноий жазо, интизомий ножўя хатти-ҳаракат учун – интизомий жазо, моддий зарар етказиш учун – мулкый жазо қўлланилади;

бешинчидан, маъмурий жавобгарлик қонун ҳужжатларига биноан кенг доирадаги давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан қўлланилади. Жиноий жавобгарлик – суд органлари томонидан, интизомий жавобгарлик - юқори турувчи давлат органи (мансабдор шахс) томонидан, моддий жавобгарлик – суд органлари томонидан қўлланилади;

олтинчидан, маъмурий жавобгарлик судланганлик ҳолатини ёки ишдан бўшатишни юзаға келтирмайди, жиноий жавобгарликда – судланганлик юзаға келади, интизомийда – ишдан бўшатиш мумкин;

¹ Ю.А. Тихомиров Административное право и процесс. Полный курс. Второе издание, дополненное и переработанное / Ю.А. Тихомиров – М.: Изд. Тихомирова М.Ю., 2005. – 697 с.

еттинчидан, маъмурий жавобгарликни қўллаш учун, интизомий жавобгарликдан фаркли равишда, бўйсунувнинг бўлиши шарт эмас¹.

Юридик адабиётларда маъмурий жавобгарликни қўллашнинг икки асоси кўрсатиб ўтилган: биринчидан, қонун – ҳукукий (меъёрий) асос сифатида; иккинчидан, маъмурий ножўя хатти-ҳаракат, фактик асос сифатида.

Маъмурий жавобгарлик тушунчасини очиб бериш билан бир қаторда унинг юзага келиш асосларини ўрганиш, маъмурий жавобгарлик қайси ҳолатларда қўлланади деган саволларга жавоб бериш лозим бўлади. Шу жиҳатдан маъмурий мажбурлашнинг асоси - бу маъмурий ҳуқуқбузарликдир. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳукукий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади².

Маъмурий жавобгарлик:

- 1) инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни;
- 2) ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини;
- 4) бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни;
- 5) фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди³.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборатдир⁴:

- Қонунийлик – давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ ҳаракат қилишини англатади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқувчи барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга нисбатан маъмурий жавобгарликни Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳамда унинг талабларини бажариш мақсадида амалга оширадилар⁵.

- Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Фуқароларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, давлат органларида маълум бир ишларнинг кўриб чиқиш вақтида, бир хилдаги шарт-шароитлар яратиб берилади.

- Демократизм принципнинг мазмуни шундан иборатки, унга кўра ҳар бир маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари ошкора кўриб чиқилиб, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс: иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашишга ва таржимоннинг

¹ Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право. Учебник. – Зерцало, 1998. С.282-283.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган.

³ Габричидзе В.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимен А.Н. Административное право: Учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 169-б.

⁴ Битирув малакавий ишининг 1-иловасига қаранг.

⁵ Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 467- б

хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

- Одатда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг ахлоқини тузатиш, уни қайта тарбиялашга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жалб қилинади.

- инсонпарварлик тамойили. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар маъмурий жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш вақтида, жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги керак. Бирон бир шахс қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали жавобгарликка тортиш мақсадига эришиб бўлмайдиган тақдирдагина, оғирроқ жазо чораларини қўллашлари мумкин.- айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланади¹.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликни белгилашда, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда, адолатли ва қонунӣ жазо белгиланишини таъминлаши лозим. Шахс айнан битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бу – одиллик принципининг асосий элементи бўлиб, қонунӣликни, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

¹ Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 468- б

1.2. Маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликнинг белгилари ва юридик таркиби

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири – бу маъмурий ҳуқуқбузарликдир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси маъмурий ҳуқуқбузарликка қуйидагича таъриф берган: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик дейилганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади» (Кодекснинг 10-моддаси)¹. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарликлар ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик белгиларининг характеристикасида энг муҳими қилмиш (ножўя ҳаракат) тушунчасидир². Бу иродавий хулқ-атвор кўриниши бўлиб, ўз ичига хулқ-атворнинг икки жиҳатини олади: ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Ҳаракат мажбуриятларни, қонун талабларини фаол бажармаслик, шунингдек тақиқланган ҳаракатларни бажаришлтиқ тушунилади. (ов қилиш қоидаларини бузиш, ЎХХН органининг ваколатли ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги талабини бажармаслик ва ҳ.к.).

Ҳаракатсизлик мажбуриятни бажармасликнинг пассив шакли (ёнғин хавфсизлиги қоидасини бажармаслик, ердан фойдаланувчи томонидан ёввойи ўтлар билан кураш тадбирларини кўрмаслик ва б). Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг характерли белгилари:

1. Бу зарарли оқибатларни келтириб чиқарган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган, ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ғайриижтимоий қилмишдир.
2. Бу ғайриҳуқуқий қилмиш. Маъмурий ножўя қилмиш -бу маъмурий таъсир чоралари билан муҳофаза қилинадиган маъмурий ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормаларини бузадиган қилмишдир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қонун аналогиясини ман этади, маъмурий ножўя қилмишнинг зарурий белгиси бўлиб ҳуқуққа зидлиги ҳисобланади. «Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас» дейилади. Ўзбекистон Республикасининг МЖТКнинг 8-моддасида.

Маъмурий жавобгарлик шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКда ёки бошқа норматив актда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир. қилингандагина юзага келиши мумкин.

3. Бу айбли қилмиш, яъни ҳуқуқбузарнинг иродавий, онгли муносабати бўлиб, унга нисбатан эътироз қўзғатади, танбехга сабаб бўлади.
4. Маъмурий жазо чораларини қўлланиш мумкинлиги маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий хусусияти ҳисобланади. Маъмурий санкцияларни қўллаш маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган барча ҳолларда шарт бўлмасда, уларни қўлланиш мумкинлиги маъмурий ҳуқуқбузарлик учун шарт бўлган аломатдир³.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг белгиларини унинг юридик таркибидан фарқ қилиш лозим.

Юридик таркиб деганда ғайриижтимоий қилмишни қонун билан ўрнатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисоблаш учун зарурий белгилари йиғиндиси англанади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган.

² Э.Т.Хожиев, Ғ.Т.Ҳакимов. Маъмурий ҳуқуқ. Бакалавриятнинг 5А-380100 – юриспруденция йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 224-б

³ Ҳамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 158 с.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг элементлари бўлиб объект, объектив томон, субъект, субъектив томон ҳисобланади¹.

Маъмурий ножўя қилмишнинг объекти - ижтимоий муносабатлар. Муайян қилмишлар мавжуд ижтимоий муносабатларга зарар етказиши мумкин бўлганлиги учун ғайриижтимоий ҳисобланади ва маъмурий жазо чоралари қўлланиш таҳдиди остида тақиқлаб қўйилади. Маъмурий ножўя қилмишнинг объекти бўлиб ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки маъмурий жазо чораси билан муҳофаза қилинадиган муносабатлар ҳисобланади.

Ножўя қилмишнинг объектив томони бу қилмишнинг маъмурий ҳуқуқ нормаларида қайд қилинган ташқи намоён бўлишини тавсифловчи белгиларидир. Уларнинг ичида энг асосийси ножўя қилмишнинг ўзидир (толон-торож, савдо қилиш, сакдаш, бош тортиш ва ҳ.к.). Қилмиш ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишларида бўлиши мумкин.

Қилмиш-ҳуқуқбузарликнинг ўзаги, унинг атрофида ҳуқуқбузарликнинг бошқа белгилари (усули, вақти, жойи ва ҳолати). Кўп ҳолларда ножўя қилмиш таркибида жой (жамоат жойлари, чегара зонаси, темир йўл, аэродром, шаҳар атрофида қатновчи поезд, метро, вагоннинг томи ва б) ва вақт (кечки вақт ва ҳ.к.) белгилари мавжуд бўлади.

Ҳуқуқбузарликни содир қилиш усули, воситалари, етказилган зарарнинг миқдори ҳам кўп ҳолларда унинг объектив томонини ташкил қилувчи белгилар қаторига қўшилади.

Ножўя қилмишнинг субъекти бўлиб уни содир қилган, яъни ҳаракатида қонунда баён қилинган қилмиш мавжуд бўлган шахс ҳисобланади.

Амалдаги қонунчилик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида қуйидагилар тан олинади:

индивидуал (якка) субъектлар: фуқаролар ва махсус маъмурий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (транспорт ҳайдовчилар, ташкилот ходимлари, раҳбарлари, мукаддам маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар ва уларга тенглаштирилган юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар.

Ҳозирги вақтда кўп ҳуқуқбузарлик турларининг субъектлари сифатида мансабдор шахслар эмас, юридик шахслар тан олинади (м:ерларни кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлослантириш ва ер қонунларини бошқача тарзда бузиш, қурилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар ва б. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Юридик шахсларнинг қурилиш соҳасида ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги тўғрисида» қонунида юридик шахсларга маъмурий жарима солиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Фикримизча, юқорида таъкидлаб ўтилган масала яъни юридик шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги ва жавобгарлиги масаласи Маъмурий жавобгарлик кодексида мустақамланиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ножўя қилмиш субъектининг ўзининг ғайриҳуқуқий ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига бўлган руҳий муносабатини англатади. У қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин. Айб -маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг зарурий белгиси.

Субъектив томонининг мажбурий белгиси бўлган қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги айбдан ташқари яна факультатив белгилари (мақсад, баҳона) ҳам бўлиши мумкин².

Шахс, унинг қилмишида маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг барча элементлари мавжуд бўлгандагина, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Назарияда ва амалиётда кўп ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг жиноят ва интизомий ножўя қилмиш билан муносабати тўғрисида масала учраб туради. Айниқса маъмурий

¹ Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма.–Т.:ТДЮИ,2001.–98 б.

² Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 364 с.

ҳуқуқбузарлик билан жиноят ўртасидаги фарқ масаласида турли фикрларни учратиш мумкин. Баъзи адабиётларда маъмурий ҳуқуқбузарлик (ножўя қилмиш)да ижтимоий хавфнинг йўқлиги туфайли у жиноятдан фарқ қилади, деган фикр билдирилади.

Тўғри, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таърифи баён қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг белгиси сифатида унинг ижтимоий хавфлилиги алоҳида ажратиб кўрсатилмаган. Бироқ, шу модданинг ўзида муайян соҳаларда ижтимоий муносабатларга (шахс, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби ва ҳ.к.) таъжовуз қилиш, ғайри ҳуқуқий, айбли хусусиятлари унинг ижтимоий хавфлилигини билдиради, деб фикр юритишга асос бўлади. Бу қилмишлар ижтимоий хавfli бўлганлиги учун ҳам қонун ҳужжатларида улар учун ҳуқуқий (маъмурий) жавобгарликка тортиш назарда тутилган бўлади¹.

Иккинчидан, барча давлат ва ҳуқуқ назариясига оид адабиётларда ижтимоий хавфлилик умуман ҳуқуқбузарлик (жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик)нинг мажбурий белгиси сифатида қайд қилинади. Демак, ушбу қоидага асосан маъмурий ножўя қилмиш, агар у ижтимоий хавfli деб тан олинмаса, ҳуқуқбузарликнинг бир тури дсб ҳисобланмаслиги керак бўлади. Бинобарин, маъмурий ҳуқуқбузарлик билан жиноят ўртасидаги фарқни уларнинг бирида ижтимоий хавфлилик аломати бор, иккинчисида йўқлигида дсб қайд қилмасдан, балки бу хавфлиликнинг турли даражада эканлигида, деб тан олиш асосли бўлади.

Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликни ажратувчи юридик мезонлар жиноят ва маъмурий қонунчиликда мавжуд бўлиб тегишли ҳуқуқбузарлик таркибларининг барча элементлари (объект, объектив томон, субъект, субъектив томон)га тегишли бўлиши мумкин. Масалан, қонунга биноан баъзи жиноятларнинг субъекти 13-14 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин бўлгани ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик учун 16 ёш белгиланган; транспорт ҳайдовчиси томонидан йўл қоидаларини бузилиши натижасида жабрланган)гвчига енгил тан жароҳати етказилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланса, шу ҳаракатлар оқибатида шахсга оғир ёки ўртача оғирликдаги зарар етказилиши жиноят деб тан олинади. Шу учун ҳуқуқбузарликнинг характери, унинг юридик табиатини аниқлаш учун шундай ҳаракат учун жавобгарлик белгилайдиган қонунчиликни ҳар томонлама таққослаб ўрганиш талаб қилинади. Зеро бу жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси талабидан ҳам келиб чиқади: «Ушбу кодексида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг интизомий ножўя қилмишдан фарқи шундаки, кейингиси, қоида тариқасида, меҳнат, хизмат муносабатлари жараёнида юз беради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Т.Адолат. 2000. 24-25-б.

1.3. Маъмурий жавобгарликда жазо чоралари ва маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатига эга субъектлар

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасига биноан маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг МЖТКда -маъмурий жазо чораларининг қуйидаги турларини белгиланган: жарима; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш; муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқида, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш; маъмурий қамокқа олиш.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида лицензияни ёки малака аттестати (гувоҳномаси)ни чақириб олиш жазосини ҳам назарда тутилади¹.

Маъмурий жазо чоралари ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан махсус индивидуал (якка) актлар чиқариш йўли билан қўлланилади. Жазо чоралари маъмурий мажбурлашнинг бошқа турларидан шу билан фарқ қиладики, жазо чоралари ҳуқуқбузар учун «жазоланган ҳолати»ни вужудга келтиради. Бу ҳолат қонунда белгиланган муддатда давом этиб, ҳуқуқбузарларни тарбиялашнинг бир элементи бўлиб хизмат қилади².

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси маъмурий жазо чораларини асосий ва қўшимча чораларга ажратади. Ашёларни ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида, қонун билан назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланиши мумкин.

Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса - ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Фуқароларга солинадиган жариманинг- энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга - энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача ва мансабдор шахсларга - ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Худди шу миқдорда жарима, масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят жиноят процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни билан ўрнатилди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Т.Адолат.

² Э.Т.Хожиев, Ғ.Т.Ҳакимов. Маъмурий ҳуқуқ. Бакалавриятнинг 5А-380100 – юриспруденция йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 228-б

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш, шу ашёни мажбурий тартибда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг эгасига тортиб олинган ашёни сотиш ҳаражатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш шу ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора туман (шаҳар) судьяси томонидан қўлланилади. Башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлган ашёгина мусодара қилиниши мумкин.

Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак¹.

Ўқ отар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш ва мусодара қилиш асосий тирикчилиги овчилик бўлган шахсларга, махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш) маҳрум қилиш ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Транспорт воситаларини алкоголь ичимликдан, гиёҳвандлик воситаси таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқариш ҳоллари, шунингдек ўзлари иштирокчи бўлган йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустаснодир².

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун - ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас³.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида лицензия ва малака аттестати (гувоҳномаси)ни чақириб олишдан иборат жазо чораси белгиланган. Бундай ҳужжатлар рухсат бериш тизими тартибида ва муайян муддатга берилади. Лицензия ва малака аттестати муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради, уларни чақириб олиш эса, бу ҳуқуқдан маҳрум қилади. Шу сабабли бу чора ҳам махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг бир тури бўлади⁴.

Лицензияни чақириб олиш ҳуқуқдан маҳрум қилиш чорасидан нима билан фарқ қилади? Биринчидан, ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат фуқароларга нисбатан қўлланилади. Лицензияни чақириб олиш эса юридик шахсларга ҳам қўлланиладиган таъсир чораси ҳисобланади. Иккинчидан, ҳуқуқдан маҳрум қилиш уч йилгача муддатга амалга оширилади. Лицензия ва малака аттестатини қайтариб олиш тамоман муддатсиз бўлади. Бироқ, бу шахс лицензия ёки малака аттестатидан умрбод маҳрум бўлади, деган сўз эмас.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Т.Адолат. 2000. 447-493-б.

² Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 158 с.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Т.Адолат. 2000. 447-493-б.

⁴ Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. —Т.: СамДУ, 2004. - 214 б.

Шахс керакли ҳужжатларни такдим этиб, тўловларни тўлаганидан сўнг янги лицензия олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг ХВИИИ боби “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги”¹ деб номланиб унда органлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ва маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатига эга: Маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда), Хўжалик судлари (245-1-модда), Адлия органлари (245-2-модда), Маъмурий комиссиялар (246-модда), Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар (247-модда), Ички ишлар (милиция) органлари (248-модда), Давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари (249-модда), Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари (250-модда), Ҳаво транспорти органлари (251-модда), Сув транспорти органлари (252-модда), Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари (253-модда), Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиган (254-модда), автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари, Меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий ва техник инспекторлари (255-модда), Мудофаа вазирлиги органлари (256-модда), Давлат санитария назорати органлари (257-модда), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (258-модда), Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлар: Давлат ветеринария назорати органлари (259-модда), Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари (260-модда), Табиатни муҳофаза қилувчи органлар (261-модда), Божхона органлари (262-модда), Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг давлат инспекция органлари (263-модда), Давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жинойтларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари (264-модда), Назорат тафтиш бош бошқармаси органлари (264-1-модда), Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари (265-модда), Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органлари (266-модда), Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари (266-1-модда), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Ўзсувназорат” республика сув инспекцияси органлари (266-2-модда), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари (266-3-модда), Давлат статистика органлари (267-модда), Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органлари (267-1-модда), Давлат пробир назорати органлари (268-модда), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари (268-1-модда), Архитектура ва қурилиш органлари (268-2-модда)².

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган.

2.БОБ. Маъмурий жавобгарликка тортиш, ундан озод қилиш ва уни чегаралашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

2.1. Маъмурий жавобгарликка тортишнинг ва жазони қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Юқоридаги бобда биз маъмурий жавобгарлик тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, шунингдек уни келтириб чиқарувчи асос сифатида маъмурий ҳуқуқбузарлик масаласига тўхталиб ўтдик. Битирув малакавий ишимизнинг ушбу қисмида биз маъмурий жавобгарлик ишларини юритиш, жавобгарликка тортиш, ундан озод қилиш ва унинг чегаралашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритамиз.

Маъмурий жавобгарлик мавзуси билан боғлиқ илмий-назарий масалаларни тадқиқ этишда фикримизча икки асосий жиҳатга эътибор қаратиш лозим:

Биринчиси – бу маъмурий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асослари

Иккинчиси – бу маъмурий жавобгарликка тортишнинг ташкилий асослари

Маъмурий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асослари деганда фикримизча маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари белгиланган қонунчилик асослари тизими тушунилади. Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик асосларини белгиловчи асосий ҳуқуқий асос бу -Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳисобланади. Маъмурий жавобгарлик асослари бошқа ҳужжатларда ҳам ўз аксини топиши мумкин. Хусусан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1-моддасига асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари МЖТК, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатдир дейилган¹.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги қонуни ҳам маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади².

Шунингдек ҳарбий хизматчилар ва ҳарбийлашган қисмларда фаолият кўрсатаётган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ушбу идораларнинг Низомларида ҳам белгиланиши мумкин. Маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари сифатида шунингдек маъмурий жавобгарликни қўллашга ваколатли давлат органларининг маъмурий жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ қонуности ҳужжатлари, суд органларининг актларини киритиш ҳам мумкин.

Маъмурий жавобгарликка тортишнинг ташкилий асослари деганда – маъмурий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ ташкилий ва техник ҳаракатлар, маъмурий жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ ташкилий фаолиятни тушуниш лозим. Ушбу ҳаракатлар юридик адабиётларда маъмурий процесс деб аталади ва маъмурий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ жараён маъмурий процесснинг бир тури ҳисобланади. Бу борада бир қатор олимларнинг фикрларини келтириб ўтиш мумкин.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХІІ-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда

² Ўзбекистон Республикасининг “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги қонуни. 15.12.2000 й. 173-ІІ-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 21-модда

Хусусан В.Тадевосяннинг фикрига кўра, маъмурий процесс бу - маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишга қаратилган муайян фаолият туридир. А.А.Мельникованинг таъкидлашича эса, маъмурий процесснинг предмети бўлиб маъмурий органларнинг ваколатига тааллуқли бўлган низоли масалаларни ҳал этиш ва маъмурий таъсир чораларини қўллаш фаолияти ҳисобланади.

И.А.Хамедов, Л.Б.Хван ва И.М.Цайларнинг «Административное право Республики Узбекистан» дарслигида муаллифлар маъмурий процессга маъмурий органлар ёки суд томонидан маъмурий ҳуқуқ томонидан ўрнатилган индивидуал-конкрет оммавий тусдаги ишларни ҳал этишга қаратилган фаолиятдир, деб таъриф беришди¹.

Жумладан маъмурий жавобгарликка тортишнинг ташкилий асосларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш, ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш; шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш, маъмурий жавобгарликни белгилаш ва уни ижро этиш билан боғлиқ ташкилий фаолиятни киритишимиз мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш жараёнида қуйидаги шахслар иштирок этиши мумкин:

1. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс бўлиб, у иш материаллари билан танишиб чиқиш, изоҳлар бериш, далиллар келтириш, ўз илтимосини баён этиш, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш каби ҳуқуқлардан фойдаланади².

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин³.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун Ўз.Р.МЖТКда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлагани тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.

Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлиб, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш божхона органи томонидан алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг қаердалигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

2. Жабрланувчи - Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказилган шахс бўлиб, иш материаллари билан танишиб чиқиш, кўрсатувлар бериш, далиллар келтириш, илтимослар қилиш, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг

¹ Қаранг: Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник: Ун-т мировой экономики и дипломатии, Ташк. гос. юрид. ин-т. – Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. – С. 403.

² Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. - Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2003.-132-б.

³ Хожиев Э. Маъмурий жавобгарлик // Илмий-оммабоп рисола. - Т.: ТДЮИ, 2006. 39-б

хизматларидан фойдаланиш, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш каби ҳуқуқларга эга.

3. Қонуний вакиллар - вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий касалликлари сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширолмайдиган – маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини ифодаловчи шахслар (ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар).

4. Адвокат¹ яъни жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳимоясини таъминловчи шахс.

5. Гувоҳ. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс.

6. Эксперт - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус тушунчага эга бўлиш зарурати туғилган ҳолларда тайинланади.

7. Таржимон. Зарур ҳолларда иш юритилаётган тилни тушунмайдиган иштирокчилар учун тайинланадиган шахс.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари кўриб маъмурий жавобгарлик белгиланаётганда жараёнда иштирок этаётган ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқиб фикрлари объектив ўрганилиши ва маъмурий жавобгарликни қўлловчи субъект томонидан эътиборга олиниши жавобгарлик чорасини қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқишнинг ташкилий босқичларидан бири бу маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома юритиш бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади².

Бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади³.

Башарти фуқаро:

- ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса;
- ва унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик тўғрисидаги ишлар юзасидан эса бир қисмидан;
- шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳолларда баённома тузилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги қвитанция берилади⁴.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиққан орган ва ваколатли шахс маъмурий жазони қўллаш ҳақидаги ёхуд маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги қарор қабул қилади. Агар ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиққан орган ва ваколатли шахс маъмурий жазони қўллаш ҳақидаги қарор қабул қилса, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик

¹ Хван Л.Б. Адвокат и производство по делам об административных правонарушениях в Республике Узбекистан. Учебное пособие. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - 58 с.

² Хамедов И. Административное право. Учебник. - Т.: УМЭД, 2004. - 174 с.

³ Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқда жавобгарлик // Ж. Қонун ҳимоясида. 1999. № 9. 17-б

⁴ Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. 106-б.

содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин¹.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

¹ Баҳромов Х., Селиманова С. Административная ответственность: обстоятельства, влияющие на назначение наказания. // Ж. Ҳуқуқ.Право. Law. - 2005. - №3. - С. 78-79.

2.2. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик кодекси махсус қисми 5-14 бобларида Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида белгиланган ва жавобгарлик асослари ўрнатилган ижтимоий зарарли қилмишлар ўрин эгаллаган бўлиб улар қуйидагилардир:

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик (40-51 моддалар). Ушбу ҳуқуқбузарликлар туркумига тухмат (40-модда), ҳақорат қилиш (41-модда), давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (42-модда), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (43-модда), Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш (44-модда) фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (45-модда), фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш (46-модда), болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (47-модда), васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш (48-модда), меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (49-модда), маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган фуқароларни ишга олишдан бош тортиш (50-модда), меҳнатга мажбурий тарзда мажбурлов (51-модда) киради¹.

Кодекснинг 6-бобида **аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик** (52-59 моддалар) асослари белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардир:

Енгил тан жароҳати етказиш (52-модда), санитария қонун ҳужжатларини бузиш (53-модда), эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш (54-модда), радиацион хавфсизликка доир қоидалар нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш (55-модда), гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-модда), таносил касаллиги ёки ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) юқадиган манбани яшириш (57-модда), таносил касаллигига ёки ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши (58-модда), ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик (59-модда)².

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда шунингдек **Мулкка таъжовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар** (60-64 моддалар) белгиланган бўлиб, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларга қуйидагилар киради:

Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш (60-модда), оз миқдорда талон-торож қилиш (61-модда), топиб олинган мол-мулкни яшириш (62-модда), ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш (63-модда), тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (64-модда) каби ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик асосларидир³.

МЖТКнинг 8-бобида **табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик** (65-96 моддалар)⁴ асослари мустаҳкамланган бўлиб улар қуйидагилардир:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда

² Хожиев Э. Маъмурий жавобгарлик // Илмий-оммабоп рисола. - Т.: ТДЮИ, 2006. 39-б

³ Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. 108-б.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда

Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроксиз холга тушириш (65-модда), ер бериш тартибини бузиш (66-модда), вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун ярокли холга келтирмаслик (67-модда), хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш (68-модда), чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш (69-модда), ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш (70-модда), ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш (71-модда), сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (72-модда), зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема хужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик (73-модда), сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (74-модда), сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш (75-модда), сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (76-модда), ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (77-модда), кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш (78-модда), дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш (79-модда), ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш (80-модда), қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш (81-модда), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш (82-модда), ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш (83-модда), ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш (84-модда), ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш (85-модда), атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик (86-модда), чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш (87-модда), атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик (88-модда), ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш (89-модда), ишлатиш тақиқланган ва ишга яроксиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш (89-1-модда), ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш (90-модда) ва яна бир қатор моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар¹ учун жавобгарлик асослари белгиланган.

Битирув малакавий ишимизнинг ҳажм учун белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, биз МЖТКнинг махсус қисмида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликлар туркуми ва уларнинг барчаси хусусида фикр юритиш имконияти бўлмайди. Шу боис биз умумий бобларда кўрсатилган жавобгарлик асослари хусусида фикр юритамиз. Хусусан МЖТК нинг 9-бобида саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик (97-103 моддалар), 10-бобида Қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик (104-112 моддалар), 11-бобида транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик (113-156 моддалар), 12-бобида фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар (157-163 моддалар), 13-бобида эса савдо тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик (164-179-2 моддалар), 14-бобида одил судловга тажовуз қилувчи

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда

ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик (180-182 моддалар), 15-бобда жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик (183-192 моддалар), 16-бобда бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик (193-241 моддалар) асослари белгиланган¹.

¹ Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. - Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2003.-132-б.

2.3. Айрим тоифадаги шахслар (махсус субъектлар)нинг жавобгарлиги масалалари

Маъмурий жавобгарлик масаласи хусусида фикр билдирганда юқоридаги параграфларда маъмурий ҳуқуқбузарлик турлари, шунингдек жазо турларини классификациясидан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилувчи шахслар доирасини ҳам таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан юридик адабиётларда маъмурий жавобгарликнинг махсус субъектлари хусусида фикр билдирилади. Яъни маъмурий жавобгарликка тортилаётганда унга маълум бир белгиларига асосан жавобгарликка тортишда ўзига хос жараён қўлланиши ёки махсус белгиланган органлар ёхуд алоҳида белгиланган жавобгарлик асослари қўлланиши билан изоҳланади.

Бундан тоифадаги субъектларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. ***Вояга етмаган шахслар***
2. ***Мансабдор шахслар***
3. ***Хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар***
4. ***Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахслар***¹.

Шунингдек фикримизча бундай шахслар қаторига ***юридик шахсларни*** ҳам киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Вояга етмаганларнинг маъмурий жавабгарлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360-сонли қарорида² вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, улар устидан бўлган назоратнинг бўшлиги, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир етиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидарарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турганлиги ҳақида тўхталиб ўтилган.

Ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб етиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллиу ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйганлиги таъкидланган.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир етилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақида”ги низом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркибини тасдиқлади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида назоратсиз қолиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш органлари ҳисобланадилар.

¹ Козлов Ю.М. Административное право: Учебное пособие. М.: Юрист, 2003. – 203 с.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎзР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар - вояга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз қолишлари, ҳуқуқбузарликлари ва жамият учун зарарли хатти-ҳаракат қилишларининг олдини олиш, буларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф етиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуниу манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогика жиҳатдан реабилитатсия қилиш мақсадида тузилади¹.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалроғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида тузилади.

Комиссиялар раис (туман, шаҳар, вилоят ҳокими ўринбосари, Қорақалроғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари), раис ўринбосари, масъул котиб ва комиссиянинг 6-12 аъзоси таркибида тузилади. Комиссия аъзолари сони комиссиянинг иш ҳажмига қараб белгиланади.

Комиссиянинг масъул котиби кундалик ишларни ва комиссия қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимликлари, Қорақалроғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги комиссияларда бошқа ишлардан озод масъул котиб лавозими, зарурият бўлганда еса вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор лавозими жориу етилади.

Комиссияга таркибига олиу ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ички ишлар, меҳнат органлари, хотин-қизлар кўмитаси, касаба уюшмалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, мудофаага кўмаклашиш жамияти, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва бошқа муассасаларнинг вакиллари кирадилар.

Комиссиялар таркибида: вояга етмаганлар ўртасида маданий-тарбиявий ишлар бўйича, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ва бошқа ўқув муассасаларининг ўқувчилари билан ишлаш бўйича, болалар ва ўсмирларни ишга жойлаштириш ва маиший турмушини яхшилаш масалалари бўйича, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан чиқарилган ва тарбиялаш колонияларидан озод қилинган ўсмирлар устидан назорат ўрнатиш бўйича сексиялар ташкил этилиши мумкин².

Комиссиялар ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиладилар.

Туман (шаҳар) комиссиялари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги **таъсир кўрсатиш чораларини қўллашлари**, яъни:

1) вояга етмаганга жабрланувчидан *узр сўраш мажбуриятини юклаш* тўғрисида туман (шаҳар) судига такдимнома киритиши;

2) *огоҳлантириб қўйиши*;

3) 15 ёшга тўлган вояга етмаган шахс зиммасига, агар у мустақил иш ҳақиға ега бўлса ва зарар миқдори белгиланган енг кам оулик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса *моддий зарарнинг ўрнини қорлаш ёки уни бартараф етиш мажбуриятини юклаши* ёки белгиланган енг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган моддий зарарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаши;

4) 16 ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақиға эга бўлган вояга етмаган шахсга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавоғарлик тўғрисидаги кодексида, Қорақалроғистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари чиқарган ҳужжатларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органлари қарорларида кўзда тутилган ҳолларда ва миқдорларда *жарима солиши*;

¹ Хojiyev E.T. Ma'muriy huquq. Darslik. – Toshkent, 2001. – 166-b.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎзР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.

5) вояга етмаган шахсни ўз ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек, уларнинг розилиги билан *меҳнат жамоаси ёки жамоат ташкилоти кузатувида торшириши*;

б) вояга етмаган шахс жамият учун хавфли хатти-ҳаракатлар қилган ёки ижтимоий ахлоқ қоидаларини қасддан ва мунтазам равишда бузиб келган тақдирда комиссия ички ишлар органлари билан биргаликда вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига юбориш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида судга илтимос қилади. 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс *махсус мактаб-интернатга юборилиши*, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс еса *махсус касб-ҳунар коллежига юборилиши* мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 15-моддасининг иккинчи қисмига биноан **мансабдор шахс** - бу мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муауян мансабни эгаллаб турган ҳамда раҳбарлик, ташкилий, фармоуиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган шахсдир¹.

Мансабдор шахслар:

а) бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш;
б) табиий муҳитни;
с) аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга;
д) бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя етмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилади².

Мансабдор шахслар – маъмурий жавобгарликнинг махсус субъектларидан бири бўлиб, улар томонидан содир етиладиган ҳуқуқбузарликлар турли кўринишларда ифодаланиши мумкин:

биринчидан, ўз хатти-ҳаракатлари билан ўрнатилган умумажбуриу қоидаларни бузишлари (маъмурий ҳуқуқбузарликни содир етишлари);

иккинчидан, мансабдор шахсларнинг ўз бўйсинувида бўлган шахсларга ўрнатилган қоидаларга зид келадиган кўрсатмаларни беришлари;

учинчидан, умумажбуриу қоидаларга риоя қилишни таъминлаш мансабдор шахснинг хизмат вазифаларига тааллуқли бўлса, ўз бўйсинувида бўлган шахслар томонидан мазкур қоидаларга риоя етилишини таъминламаганликлари³.

Мансабдор шахс сифатида маъмурий жавобгарликка тортиш вақтида, амалдаги қонунчилик талабига кўра, қуидагиларни:

а) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир етган шахснинг корхона, муассаса ёки ташкилотда маълум бир лавозимни эгаллаб турганлигини;

б) унга раҳбарлик қилиш, ташкилий, фармоуиш бериш, текширув-назорат қилиш вазифалари юклатилган бўлишини;

с) унга моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ вазифалар юклатилган бўлишини аниқлаш лозим.

Мансабдор шахслар томонидан содир етиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар, одатда *эҳтиётсизлик*да ифодаланади. Мансабдор шахс, ўз ҳаракатларининг зарарли оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайди ёки бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билмайди, ҳолбуки буларни кўра билишлари лозим. Мансабдор шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар турли хилдаги вазифаларни бажармаганлиги ёки

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан

² Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮИ, 2001. –98 б.

³ Хожиев Э. Конституция ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудудий тузилиши. // Илмий-оммабоп рисола. – Т.:ТДЮИ, 2005. – 22 б

лозим даражада бажармаганлиги, мансабига совуққонлик билан қараганлиги натижасида содир этилган ҳаракатсизликларда ифодаланган бўлиши мумкин.

Мансабдор шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик *қасддан* содир этилиши ҳам мумкин. Бу ауб шакли масалан, мансабини суиистеъмол қилишда ифодаланиши мумкин.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги, айтилиши вақтда, унинг хизмат қоидаларини бузиш, яъни интизомий ножўя хатти-ҳаракатни содир этиш ҳам ҳисобланади. Интизомий ножўя хатти-ҳаракат учун меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик (интизомий жазо чоралари) назарда тутилган.

Лекин шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, битта ҳуқуқбузарлик учун фақатгина битта жавобгарлик чорасини қўллаш мумкин, яъни мансабдор шахснинг ўрнатилган қоидаларни бузишига (ҳуқуқбузарликни содир этишига) нисбатан иккита жавобгарликни қўллаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан мансабдор шахсларга нисбатан – *жарима* тарикасидаги маъмурий жазо қўлланилиши мумкин¹. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдори, фуқароларга қўлланиладиган жарима миқдоридан ошқ белгиланган.

Махсус субъектлар қаторига кирувчи кейинги категориядаги шахслар бу – ***ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахслардир.*** Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 16-моддасига биноан ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар².

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, ***ҳарбий хизматчиларга*** - Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларида, Ички ишлар вазирлиги ички кўшинларида ва Миллиу хавфсизлик хизмати кўшинларида (чегара кўшинларида) ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар киради. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати органларининг оддий аскарлари ва бошлиқлари таркибидаги шахслар ҳам ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган. Ички ишлар органлари, шу жумладан милициянинг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик учун уларга тенг даражада жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ги қонун³га биноан ҳарбий хизматчилар ва ***йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар***⁴ ҳарбий интизом ва жамоат тартибини бузганликлари учун қўмондонлар (бошлиқлар) олдида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом устави бўйича жавобгар бўладилар.

¹ Ли А.А. К вопросу об Административно-процессуальном Кодексе Республики Ўзбекистан // Материалы международной конференции. - Т.: ТГЮИ, 2004. С.113-127.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан

³ O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2002 №12, 217-m.

⁴ Amaldagi qonunchilikka binoan, harbiy xizmatni o'tashga majbur bo'lgan fuqarolar yig'inga chaqirilgan vaqtda, harbiy xizmatchilarga tenglashtirilgan.

Ҳарбий интизомни ва жамоат тартибини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар жумласига, ўрнатилган ҳар қандау умуммажбурий қоидаларни бузишни киритиш мумкин.

Тегишли давлат органлари ёки мансабдор шахслар ҳарбий хизматчилар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганини аниқлаган вақтда, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар ва бошқа ишга тааллуқли материалларни аубдорнинг Қуролли Кучлар Интизом устави бўйича жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун бошлиқларга берадилар.

Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган қуйидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун, *умумий асосларда маъмурий жавобгарлик*ни қўллаш мумкин:

- 1) йўл ҳаракати қоидаларини бузганда;
- 2) ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ заҳираларини сақлаш қоидаларини бузганда;
- 3) божхона қоидаларини бузганда¹.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайдиган маъмурий жавобгарлик чоралари ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан, *биринчидан*, ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахсларга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси қўлланилмайди; *иккинчидан*, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Махсус субъект мақомига эга бўлган яна бир категориядаги шахслар бу - **хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардир.**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 17-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим².

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Хорижий фуқаро – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланмаган ва хорижий давлат фуқаролиги мавжуд бўлган жисмоний шахсдир.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонун³нинг 11-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлаудиган далиллари бўлмаган шахслар - **фуқаролиги бўлмаган шахслар** деб ҳисобланади.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга егадир, қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган чекловлар бундан мустасно.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган вақтларида содир етган маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Хорижий фуқароларнинг маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу аурим тоифадаги хорижий фуқароларнинг **иммунитет ҳуқуқи**га эга бўлишидир.

¹ Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник: Ун-т мировой экономики и дипломатии, Ташк. гос. юрид. ин-т. – Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. – С. 347.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан

³ O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1992, №3, 159-m.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро шартномаларга биноан хорижий фуқаролар маъмурий юрисдиксиядан иммунитетга (дахлсизлик) эга бўлишлари мумкин. Улар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари дипломатик йўл билан ҳал этилади. Бу тоифадаги хорижий фуқаролар жумласига: *дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари* (элчилар, ишончли вакиллар) ва *хорижий давлатлар ваколатхоналарининг дирломатия ходимлари*: маслаҳатчилар, савдо вакиллари, савдо вакилларининг ўринбосарлари, ҳарбийлар, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз атташелари ва уларнинг ёрдамчилари, атташеларнинг биринчи, иккинчи, ва учинчи котиблари ва дирломатик ваколатхоналарнинг архивчи-котиблари.

Иммунитет ҳуқуқи дирломатик ваколатхоналар бошлиқларининг оила аъзоларига ва дипломатия ходимларига мансуб шахсларнинг оила аъзоларига ҳам (агар улар мазкур шахслар билан бирга яшасалар ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланмасалар) татбиқ этилиши мумкин¹.

Бундан ташқари, консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари (бош консуллар, консуллар, консулларнинг ўринбосарлари) ва бошқа консуллик лавозимидаги шахслар ҳам иммунитетга эга бўлишлари мумкин. Улар ўзларининг хизмат фаолиятига тааллуқли соҳаларда маъмурий юрисдикция имунитетидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддаси 3-қисмига биноан қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни **Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш** назарда тутилиши мумкин².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Т.Адолат. 2000. 447-493-б.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан

ХУЛОСА

Ўзининг суверенетини кўлга киритган Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб олди. Бу йўлда эса асосий масалалардан бири инсонпарварлик тамойилини рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида барча кучларни сафарбар этишдир. Юқоридагилар билан бир қаторда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш ва уларни янада такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу билан бир қаторда жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарали механизмларини таъминлаш билан бир қаторда давлат томонидан ўрнатилган қонунларга амал қилиш, конституция асосида белгиланган мажбуриятларни сўзсиз бажариш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бирок айрим шахслар томонидан давлат томонидан ўрнатилган қоидаларнинг бузилиши, риоя этилмаслиги ва итоат этилмаслиги оқибатида давлат томонидан ўрнатилган жавобгарлик асослари келиб чиқади. Биз битирув малакавий иши мавзуси юзасидан олиб борган тадқиқотимиз мобайнида айнан шундай жавобгарлик турларидан бири – маъмурий жавобгарлик, унинг тушунчаси, моҳияти, маъмурий жавобгарлик асослари, уни қўллашнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари масалаларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ушбу ўрганишлар натижасида қуйидаги назарий хулосалар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, маъмурий жавобгарликнинг бошқа жавобгарлик турларидан фаркли жиҳати шундан иборатки, ушбу жавобгарлик ижтимоий зарарли қилмишлар учун белгиланадиган, жамиятда ҳуқуқбузарликни олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда қонунчиликда маъмурий ҳуқуқбузарлик деб белгиланган қилмишлар учун белгиланади;

Иккинчидан, Мустақилликдан кейинги йилларда Ўзбекистонда маъмурий жавобгарлик асосларини белгилловчи ҳуқуқий база шакллантирилди ва демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ушбу ҳуқуқий асослар янада либераллаштирилиб ва такомиллаштирилиб боришмоқда;

Учинчидан, Маъмурий жавобгарликка тортувчи субъектлар доирасининг кенглиги ва жавобгарликка тортилувчи субъектлар кўламининг кенглиги, бу борадаги амалиётдаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги жавобгарликка тортиш билан боғлиқ муносабатларни янада кенгрок ўрганиш ва тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади;

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб биз битирув малакавий ишимизни амалга ошириш жараёнида юзага келган айрим амалий таклиф ва мулоҳазаларни илгари сурамиз:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида” маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиш устувор вазифа сифатида кўрсатилган эди. Бу борада Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг “Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш” деб номланган иккинчи устувор йўналишида олтинчи масала сифатида “Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур”¹ эканлигини таъкидлаган.

Ушбу қабул қилиниши назарда тутилган янги таҳрирдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда “жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарурлигини шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни

¹ И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т: “Ўзбекистон” 2010 й 17-бет

кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозимлигини”¹ таъкидлаганлар.

Фикримизча Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрири билан бир қаторда, Маъмурий ишларнинг процессуал тартиб-таомилини белгиловчи “Маъмурий процессуал кодекси” ҳам қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, Маълумки охириги йилларда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида суд тизимини янада модернизациялаш, унинг мустақиллигини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаб қуйидаги фикрларни билдириб ўтадилар: “... кўп нарсани чет мамлакатлар тажрибасидан ўрганиб, ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ечиб берсак, ундан кейингина суд идораларидан, судьялардан биз кутган натижаларни талаб қилиш мумкин. Шундагина, қани, сен мустақил иш юрита оласанми ёки юқоридан бўладиган телефонга қараб ҳукм чиқарасанми, деган гап-сўзларга мутлақо ўрин қолмайди”². Мамлакатимизда янги маъмурий ишларни кўришга ихтисослашган судлар тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зеро бугунги кунда амалиётда жиноий ишлардан кўра купрок маъмурий ишлар судьялар томонидан кўриб ҳал қилинаётганлиги гувоҳи бўлмоқдамиз. Маъмурий судларнинг ташкил этилиши, маъмурий ишларни судьялар қўлида тўпланиб қолишини олдини олишга, ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларга нисбатан жавобгарликнинг белгиланишига эришамиз. Холбуки шунини таъкидлаш жоизки маъмурий ишларни тез ва ўз вақтида қўриш учун маъмурий судларни ташкил этилишини замонни ўзи талаб қилмоқда.

Учинчидан, Янги таҳрирдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга амалда мавжуд бўлмаган бир қатор нормаларни жорий этиш лозим. Жумладан, Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги масаласини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунинг асосий сабаби сифатида 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги қонунида жисмоний шахсдан ташқари юридик шахс ҳам маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисидаги қонуний асос. Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда юридик шахсларнинг жавобгарлиги масалаларига оид биронта норма белгиланмаганлигини инобатга олиб биз юқоридаги таклиф амалий аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, Маъмурий жавобгарлик кодексининг ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни юритишга оид нормаларининг таҳлили қонунчиликдаги баъзи нормаларни аниқлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.


Хусусан Маъмурий жавобгарлик кодексининг 289-моддасида шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш билан боғлиқ масалалар ўрин олган бўлсада, ички ишлар органлари томонидан қайси ҳолатларда шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш масаласи аниқ акс этмаган. Фикримизча ушбу нормага аниқлик киритиб, ички ишлар органлари қолаверса бошқа ваколатли органларнинг шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш ҳолатларини аниқ кўрсатиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз;

Бешинчидан, амалиётда маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби мавжуд бўлиб, ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39-сонли қарори асосида тартибга солинсада, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексига ушбу масалага оид биронта норма


¹ И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т: “Ўзбекистон” 2010 й 18-б


² Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қўриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т. Халқ сўзи. 2013 йил 8 декабрь

йўқлиги ва ушбу муносабатлар қонун асосида тартибга солинмаганлигини кўришимиз мумкин. Фикримизча Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексига маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш борасидаги нормаларни киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.



МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ БОШҚА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИДАН ФАРҚИ





**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА UZ-__ -
СЕРИЯЛИ __ - РАҚАМЛИ БАЁННОМА**

20__ йил «__» _____ куни соат _____

_____ (худуд номи)

Ушбу баённомани мен, _____ кўкрак нишон белгили,

_____ (лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

туздим. Фуқаро

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

_____ (туғилган санаси, жойи)

_____ (миллати)

Фуқаролиги (1-Ўзбекистон, 2-чет эл фуқароси, 3-фуқаролиги бўлмаган)

Ҳайдовчилик гувоҳномаси: _____

_____ (серияси) (рақами) (тоифаси) (амал қилиш муддати)

Ҳайдовчилик гувоҳномаси талони: _____

_____ (серияси) (рақами) (тоифаси) (амал қилиш муддати)

Вақтинчалик гувоҳномаси: _____

_____ (серияси) (рақами) (тоифаси) (амал қилиш муддати)

Суғурта полиси: _____

_____ (серияси) (рақами) (амал қилиш муддати)

_____ (яшаш жойи)

_____ (телефон)

_____ (яшаш жойи)

(телефон)

Транспорт воситаси ҳақида маълумот: _____

_____ (русуми) (давлат рақам

белгиси) (тури)

_____ Транспорт воситасини қайд қилиш гувоҳномаси _____

_____ (ранги) (серияси,

рақами)

Тегишлилиги:

—

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми ёки ташкилотнинг номи ва манзили)

Ишончнома: _____

_____ (серияси) (рақами) (амал

қилиш муддати)

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: _____

_____ (тури) (серия, рақами)

(берилган вақти)

Менга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 294-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва бурчларим тушунтирилди:

_____ (ҳайдовчининг (пиёданинг) имзоси)

20__ йил «__» _____ куни соат ____ транспорт воситасини бошқараётиб,

(ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ва унинг тафсилоти)

яъни, Йўл ҳаракати қоидаларининг _____ банди бузилди.

Ҳуқуқбузарлик

_____ аниқланди.
(техник восита русуми)

Гувоҳ ёки холислар: МЖТКнинг 298-моддаси талаблари билан
таништирилди.

1.

(фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили)

(яшаш жойи)

(имзо)

2.

(фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили)

(яшаш жойи)

(имзо)

Баённома билан танишдим, унинг мазмуни бўйича қуйидагиларни
билдираман:

(ҳуқуқбузарнинг тушунтириш бериши)
(ҳуқуқбузарнинг имзоси)

Баённомага илова этилади:

(ҳайдовчилик гувоҳномаси, талон, вақтинчалик рухсатнома)

(тиббий текширув хулосаси, далолатнома, тушунтириш хати, ишга оид
бошқа ҳужжатлар)

Транспорт воситасини бошқариш учун ____ серияли ____ рақамли
вақтинчалик рухсатномани

_____ гача олдим

_____ (ёзув билан)

(имзо)

Маъмурий иш кўриладиган жой

Маъмурий ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти тўғрисида
огоҳлантирилдим: _____

(имзо)

Баённомани тузган мансабдор шахс имзоси: _____

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. 2-том. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-том. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т., Ўзбекистон, 1997 й.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., Ўзбекистон, 1998 й.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том. Т., Ўзбекистон, 1999 й.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-том. Т., Ўзбекистон, 2000 й.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Т., Ўзбекистон, 2001 й.
10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакирик 6 сессиясида қилган «Адолат – қонун устиворлигида» маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 30.08.2001 й.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш” маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 29.01.2005 й.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 07.02.2005 й.даги Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан йиғилишидаги “Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди” маърузаси. “Ўзбекистон овози”, газетаси. 17.01.2005 й.
14. И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т: “Ўзбекистон” 2010 й 30-31 б
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 18.01.2013 йилдаги “2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси “Халқ сўзи” газетаси,
16. Каримов И.А.Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т. Халқ сўзи. 2013 йил 8 декабрь

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2014. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс. Тошкент, Адолат, 2010 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Тошкент, Адолат, 2010 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Тошкент, Адолат, 2010 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 1992 йил 2 июл Қонуни // ЎзР ОКА, 1992, №9, 338-м
6. Давлат санитария назорати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июл Қонуни // ЎзР ОКА, 1992, №9, 355-м.
7. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабр Қонуни // ЎзР ОКА, 1993, №1, 33-м.

8. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабр Қонуни // ЎЗР ОКА, 1993, №1, 38-м.
9. Давлат сирларини сақлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни // ЎЗР ОКА, 1993, №5, 232-м.
10. Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябр Қонуни // ЎЗР ОКА, 1993, №9, 320-м.
11. Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 август Қонуни // ЎЗР ОМА, 1996, №9, 128-м.
12. Давлат божхона хизмати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август Қонуни // ЎЗР ОМА, 1997, №9, 230-м.
13. Давлат солиқ хизмати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август Қонуни // ЎЗР ОМА, 1997, №9, 232-м.
14. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 1999, №1, 8-м.
15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрел Қонуни//ЎЗР ОМА,1999, №5, 110-м.
16. Йул ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август Қонуни // ЎЗР ОМА, 1999, №9, 215-м.
17. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида 1999 йил 20 август Қонуни // ЎЗР ОМА, 1999, №9, 217-м.
18. Фуқаро муҳофазаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май Қонуни // ЎЗР ОМА, 2000, №5-6, 151-м.
19. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №1-2, 8-м.
20. Судлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №1-2, 10-м.
21. “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
22. Мудофаа тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 май Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №5, 80-м.
23. Прокуратура тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №9-10, 168-м.
24. Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2002, №12, 217-м.
25. Давлат статистикаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2002, №12, 219-м.
26. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2003, №1, 7-м.
27. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида 2003 йил 25 апрел Қонуни // ЎЗР ОМА, 2003, №5, 65-м.
28. Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрел Қонуни // ЎЗР ОМА, 2004, №5, 78-м.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” 2005 йил 15 июн Қарори // ЎЗР ҚХТ, 2005, № 23-24, 168-модда.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 5 октябр Фармони // ЎЗР ҚХТ, 2005, № 40, 303-м.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташлари тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2006 йил 14 январ Қарори // ЎзР ҚХТ, 2006, № 4-5, 23-модда.
32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги назорат инспекциялари тузилмасини тартибга солиш тўғрисида”ги 2000 йил 21 ноябр Қарори // ЎзР ҚХТ, 2000, № 9-10, 144-модда.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎзР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 27 август Қарори // ЎзР ҚХТ, 2003, № 15-16, 138-модда.
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январ Қарори // ЎзР ҚХТ, 2005, № 3-4, 26-модда.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида”ги 2005 йил 14 феврал Қарори // ЎзР ҚХТ, 2005, № 7, 55-модда.
37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида”ги 2005 йил 15 март Қарори // ЎзР ҚХТ, 2005, № 10-11, 74-модда.

Махсус адабиётлар

1. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1995.— 203 б.
2. Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. и др. Административное право Республики Ўзбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с.
3. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2003.— 367 б.
4. Хамедов И. Административное право. Учебник. - Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.
5. Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б
6. Козлов Ю.М. Административное право: Учебное пособие. М.: Юристъ, 2003. – 318 с.
7. Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. —Т.: СамДУ, 2004. - 214 б.
8. Хакимов Г. Маъмурий ҳуқуқ (махсус қисм). – Т.: ТДЮИ, 2005. - 331 б.
9. Хван Л.Б. Адвокат и производство по делам об административных правонарушениях в Республике Ўзбекистан. Учебное пособие. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 160 с.
10. Хожиев Э. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2004. - 127 б.
11. Хожиев Э. Самиғжонов Ф. Маъмурий қонунчилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. - 219 б.
12. Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма.–Т.:ТДЮИ,2001.-98 б.
13. Адушкин Ю.С. Административная ответственность: некоторые итоги реформирования российского законодательства // Материалы международного симпозиума. - Т., 10-11 сентября 2005 г. – Т.: ТГЮИ, 2005. - С.134-163
14. Бахромов Х. Маъмурий мажбурлов. // Ж. Хаёт ва қонун. – 2005. – 1-сон. – Б. 32-37.
15. Бахромов Х., Селиманова С. Административная ответственность: обстоятельства, влияющие на назначение наказания. // Ж. Ҳуқуқ. Право. Law. – 2005. - №3. – С. 78-79.
16. Бобоев Д. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш маъмурий таъсир чораси сифатида. // Ж. Ҳуқуқ. Право. Law. 2005. № 4. – Б. 82-87.

17. Ли А.А. Административная юстиция в Ўзбекистане: основные черты и перспективы развития // Материалы пятого научного симпозиума Ассоциации Административного права азиатских стран. – Нагоя (Япония), 23-25 ноября 2002 г. – С. 2-10
18. Ли А.А. Административно-правовое регулирование в сфере разгосударствления и приватизации в Республике Ўзбекистан // Материалы пятого научного симпозиума Ассоциации Административного права азиатских стран. – Нагоя (Япония), 23-25 ноября 2002 г.- С. 11-19
19. Ли А.А. К вопросу об Административно-процессуальном Кодексе Республики Ўзбекистан // Материалы международной конференции. - Т.: ТГЮИ, 2004. С.113-127.
20. Ли А.А. Современное состояние административного законодательства Республики Ўзбекистан и тенденции его развития // Материалы международного симпозиума. - Т.,10-11 сентября 2005 г. – С.119-134
21. Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқда жавобгарлик // Ж. Қонун ҳимоясида.1999.№9.– Б.15-19
22. Хожиев Э. Маъмурий жавобгарлик // Илмий-оммабоп рисола.- Т.:ТДЮИ,2006.–150 б.
23. Хожиев Э. Давлат бошқаруви. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДЮИ, 2006.—288 б.
24. Интернетдан олинган маълумотлар:www.ails.nuu.uz; www.ask.elibrary.com; www.yourdictionary.com; www.free-ed.net; www.uzsi.net/portal/index/php.